



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 22 март, № 55 (9226)

Якшанба

Сайтимизга Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



НАВРЎЗНИ УЛУҒЛАШ — ИНСОННИ УЛУҒЛАШДИР!

Янги Ўзбекистон боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



Баҳор... Замҳарир кишининг совуқ лашкарлари — қору музи чекиниб, борлиқ бағрини қуёшнинг илиқ, ҳаётбахш нурлари тўлдирди. Табиат гўё узоқ ва оғир сукутдан кейин яна тилга киргандек, ҳар бир заррасида янги нафас, янги маъно уйғонмоқда, янги рух уфурмоқда.

Тоғлар бағрида, қиру адирларда жилғалар шўх-шодон чулдириб,

баҳор куйини чала бошлайди. Илиқ ва хуш ифорли насим гоҳ тупроқ бағрини ёриб чиққан нозик майсаларни эркаласа, гоҳ гулу дарахтлар шоҳларини майин тебратлади, гоҳ эса табиат хуснига маҳлиё термилиб қолган қизлар сочи билан ўйнашади. Юртимизнинг пасту баландликлариди, шаҳару қишлоқларида хушифор саболар эсмоқда. Дала-даштлар,

чўлу биёбонлар, қиру адирлар, боғу роғлар яшиллик либосига бурканиб, гўё она замин ўзининг энг нафис либосини кийгандек. Дарахтлар куртак ёзиб, ҳаётга интилишининг бекиёс намунасини намоеён этмоқда. Бодому ўриқлар қийғос гуллаб, инсонга умр давомийлигини эслатади. Эрта уйғонган чечакларнинг анвойи иси ҳавога сингиб, гўё табиатнинг сами-

мий табригига айланган. Иссиқ ўлкалардан қайтган қалдирғочларнинг вижир-вижир, мусичаларнинг қу-қулар ичи энг ёқимли мусиқадек қалба ором беради.

Бу манзаралар инсон руҳи ва кайфиятига гоҳ уйғун. Зеро, қалбларда ҳам баҳор нашидаси, ажиб бир кўтаринкилик, ишонч ва эртанги кунга умид жўш уради. Қизлар эгнида товляниб турган

атлас кўйлақлар мисоли табиат ранглари давом эттираётгандек, йигитлар кўзларида орзу, билаларида эса ҳаракат ва яратилган иштиёқ оловланади. Бунда ҳаётнинг энг гўзал фалсафаси зоҳир: инсон ҳам табиат каби юксалишга қодир.

Тоғ бағридан шўх-шодон оқиб тушаётган жилғаларнинг жилдираши, майин насимлар бағрида да-

рахтларнинг шовуллаши, осмон кенгликлариди парвоз этаётган кушлар овози — буларнинг барчаси борлиқнинг абадий қонуниятини, яъни ҳаракат ва ўзгариш орқали бардавомликни мадҳ этади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар!

Бутун дунё нурга, гўзалликка тўлган шу дилбар фаслда жонажон диёримизга шарқона янги йил — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Бугун бамисоли икки азим дарё туташмоқда — Наврўз байрамини муборак Рамазон ҳайити билан бирга нишонламоқдамиз.

Табиат уйғониши ва руҳий покланиш рамзи бўлган мана шундай қутлуг айёмлар билан сизларни, кўп миллатли бутун халқимизни чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Дунёнинг олис ва яқин мамлакатларида ишлаётган, таҳсил олаётган ватандошларимизни ҳам муборакбод этиб, уларга эзгу салом ва тилақларимизни изхор этаман.

Байрам барчамизга муборак бўлсин!

Наврўзи олам диёримизга тинчлик ва бахт олиб келсин!

Азиз дўстлар!

Бугун баҳорни соғинган юракларимиз янги кун, янги ҳаёт шукҳи билан яшамоқда. Осмондан обираҳмат ёғилиб, дарё ва кўлларимиз сувга тўлмоқда. Боғларимиз, қиру адирларимиз ўт-ўланлар билан қопланиб, йиллимиз баракали бўлишидан дарак бермоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимиз, водий ва воҳаларимизда сайил-томошалар бошланмоқда.

Янгилиниш фасли бўлган Наврўз кунларида халқимизнинг умуммиллий бирдамлиги, бунёдкорлик салоҳияти янада яққол намоеён бўлмоқда.

Наврўз қадриятларига содиқ бўлиб, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир юрtdошимизни, бутун эл-юртимизни рози қилиш йўлидаги ишларимизни янги босқичга кўтармоқдамиз. Бу йилги байрамга “Наврўзи улуғлаш — инсонни улуғлашди”, деган даъваткор гоҳ асос бўлгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Биз барча худудларимизга, қишлоқ ва овуллар, маҳаллаларимизга Янги Ўзбекистон нафаси-

ни олиб кириш бўйича катта ҳаракат бошладик.

Янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида ҳам улкан қадамлар қўймоқдамиз. Янги-янги замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, шинам уй-жойлар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт объектилари барпо этилмоқда.

Келгусида бундай қурилишлар кўламини янада кенгайтираимиз.

Ушбу файзли тонгда миришкор дехқон ва фермерларимизга барчамиз юксак ҳурмат ва эҳтиром билдираимиз.

Сиз, азизларнинг элимиз дастурхонини янада тўкин ва фаровон қилишдек эзгу ишларингизда зафар ва омадлар тилаймиз. Чунки сизларнинг олийжаноб меҳнатингиз билан халқимизнинг ризқу насибаси бутун бўлади. Бу борада давлатимиз, жамиятимиз сизларни доимо қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Табиат уйғониши, ҳаётда янги босқич бошланишининг рамзи бўлган, эзгулик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик ва она заминга гамхўрлик каби абадий қадриятларни ўзида муҳассам этган қадим байрам — Наврўзи олам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига самимий табриқлар келмоқда. Уларда юртимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилақлари билдирилган.

Хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар

раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларининг қутловларида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, барқарор тараққиётни таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлохотларга юксак баҳо берилган.

Очик, тинчликсевар ва прагматик ташқи сиёсат олиб борилаётгани, минтақавий ҳамкорлик, яхши қўшничилик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар фаол илгари суриллаётгани туфайли давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи изчил ўсиб бораётгани алоҳида таъкидланган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович! Баҳорги уйғониш рамзи бўлган Наврўз байрами муносабати билан самимий табриқларимни қабул қилгайсиз.

Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юксак даражага чиққан. Стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилигимизни бундан буён ҳам дўст халқларимиз фаровонлиги, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида фаол ривожлантирамоқдамиз деб ишонаман.

Ушбу қутлуг айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, барча халқингизга эса бахт-саодат ҳамда фаровонлик тилайман.

Хурмат билан,

Владимир ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ой тақвими бўйича Янги йил муносабати билан йўллаган табриқингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Хитой ҳукумати ва халқи номидан Сизни, ҳукуматингизни ва Ўзбекистон халқини анъанавий байрамингиз — Наврўз кириб келиши муносабати билан чин дилдан қутлайман.

Мен Хитой — Ўзбекистон му-

носабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман. Ўтган йили биз Сиз билан икки марта учрашиб, турли соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича муҳим келишувларга эришдик. Бу янги даврдаги Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги барча шароитда хар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги ривожланиш босқичига олиб чиқди.

Мен стратегик ўзаро ишонч ва анъанавий дўстликни доимий равишда мустаҳкамлаш, умумий тақдирга эга Хитой — Ўзбекистон ҳамжамиятини қуришни чуқурлаштириш ва амалий даражага кўтариш учун ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасида Сиз билан биргаликда ишлашга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Си Цзиньпин, Хитой Халқ Республикаси Раиси

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 март куни Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида етакчилар бир-бирларини муборак Рамазон ҳайити ва баҳорий Наврўз айёми муносабати билан дилдан қутлаб, икки мамлакатнинг қардош халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва бардавом равақ тиладилар.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ҳам самимий табриқларини йўллади.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда самарали мулоқотлар давом этмоқда. Товар айирбошлаш ҳажмининг барқарор ўсиши, шу жумладан, тайёр маҳсулотларни етказиб бериш орқали таъминланмоқда. Яқинда ишга

туширилган “Шовот — Тошқовуз” савдо зонасининг самарали фаолияти ҳам ўзаро савдонинг ошишига хизмат қилмоқда.

Юк ташишлар ҳажми, шу жумладан, Туркманбоши порти орқали изчил ортмоқда. Энергетика, саноат, сув ҳўжалиги ва транспортда кооперация кенгайиб бормоқда, Парламентлараро, худудлараро, ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёда юзага келаётган вазият юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Барқарор тинчликка эришишнинг ягона йўли вазиятни сиёсий-дипломатик чоралар билан ҳал этиш экани таъкидланди.

Жорий йилда кўзда тутилган кўп ва икки томонлама тадбирлар режаси ҳам муҳожама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

20 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф ўртасида телефон мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки давлат етакчилари бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитр ва қутлуг Наврўзи олам байрамлари муносабати билан бир-бирларини самимий қутладилар. Дўст Ўзбекистон ва Покистон халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва давомий равақ тилақлари изхор этилди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил февраль ойида Покистонга амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги сифат босқичга кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Олий даражадаги ташрифдан кейин вазирликлар, идоралар ва худудлар даражасидаги мулоқотлар янада фаоллашгани, ўзаро алмашинувлар аниқ натижалар билан бойиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Сўхбат давомида томонлар сўнгги вақтларда Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ минтақасидаги кескинликдан жиддий ташвиш билдириб, ҳар қандай зиддият ва муаммони фақат тинч ва дипломатик воситалар орқали ҳал этиш зарурлигига урғу бердилар.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

(Давоми. Бошланиси 1-бетда).

Хурматли юртдошлар!
 Янги Ўзбекистон мамлакатимиз ёшлари учун юксак парвозлар, катта-катта галабалар майдонига айланиб бормоқда. Яқинда ёшларимиз билан учрашиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ҳар бир йўналишда — таълим, илм-фан, маданият ва санъат, спорт, IT ва бизнес соҳаларида янги номлар, янги қаҳрамонлар пайдо бўлмоқда. Мана шундай биллими, жўшқин ва изланувчан ўғил-қизлар билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.
 Азиз фарзандларим, бугун Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлишдек улкан бахт ва юксак шараф сизларга nasib этмоқда. Қанча-қанча аждодларимиз интилиб яшаган шу буюк орзуну рўёбга чиқаришга сизлар албатта қодирсиз.
 Бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг, яратилган катта имкониятлар, ота-оналар, устоз-мураббийларингиз меҳнатининг қадрига етиб, тинимсиз ўқиб-ўргансангиз, билим

ва маҳоратингизни доимо ошириб борсангиз — келажак албатта сизники бўлади.
 Бу йўлда сизларга, бутун Ўзбекистон ёшларига яна қандай шароит зарур бўлса, барчасини яратиб беришга тайёрмиз.
 Ватан учун, миллат учун, халқ учун деб яшасангиз — Ватан ва халқ ҳам сизни эъзозлаб, бошига кўтаради!
 Янги Ўзбекистоннинг олтин авлоди бўлиб, унинг зафар байроғини баланд кўтаришдан ҳеч қачон тўхтаманг, азиз фарзандларим!
 Қадрли юртдошлар!
 Маҳалла деганда, кўз олдимизда аввало она юртимизнинг гўзал тимсоли намоён бўлади. Биз Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида яхши ният билан катта дастур ва режаларни амалга оширмоқдамиз.
 Бу ишларда оила ва жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этиш, эзгулик ва адолатни қарор топтириш учун кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз, “маҳалла еттилиги”, фаол фуқароларимиз

яқиндан иштирок этадилар, деб ишонаман.
 Фурсатдан фойдаланиб, 22 март куни нишонланадиган Маҳалла тизими ходимлари куни билан жонқуяр маҳалла раислари ва фаолларини, барча юртдошларимизни чин қалбимдан табриқлаб, уларга янги муваффақиятлар тилайман.
 Муҳтарам дўстлар!
 Минг йиллар давомида халқлар ўртасида маънавий кўприк бўлиб келаётган Наврўзнинг тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ғоялари бугунги нотинч замонда янада долзарб аҳамият касб этмоқда.
 Юртимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бу байрамни бир бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда. Мана шундай аҳиллик ва тотувлик Янги Ўзбекистонимизни биргаликда барпо этишнинг энг ишончли кафолатидир.
 Биз жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Бу борада кўшни

ва қардош мамлакатлар билан бирга, ягона Марказий Осиё овози бўлиб, минтақамизнинг тинчлик, биродарлик ва ҳамкорлик макони сифатидаги нуфузини оширишга устувор аҳамият қаратамиз.
 Фурсатдан фойдаланиб, давраимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини Халқаро Наврўз куни билан самимий кутлаб, уларнинг халқига қизгин табриқларимизни йўллаймиз.
 Қадрли дўстлар!
 Мана шу тароватли лаҳзаларда барчангизга, бутун эл-юртимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман.
 Азизлар, қаранг, қандай гўзал юртимиз, қандай саховатли заминимиз, бетакрор табиатимиз бор.
 Бу бебаҳо бойликларни минг йиллар оша асраб-авайлаб келаётган меҳнаткаш, оқ кўнгли ва олийжаноб халқимиз бор.
 Худо бизга ато этган ер-сувимизни, барча имкониятларимизни қадрлаб, улардан оқило-

на фойдалансак, бир бойлигимизга, албатта, ўн бойлик кўшилади.
 Шу боис азалий анъаналаримизни давом эттириб, кўчат экиб, боғ яратайлик, уйимиз, маҳалламизни обод қилиб, ҳаётимизни янада гўзал ва фаровон этайлик!
 Яхши кўшничлик, аҳиллигимиз ва эзгу ишларимиз билан юксак марраларга интилаётган халқ эканимизни дунёга намоён этайлик!
Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт, янги тарих, янги келажак яратайлик!
 Азиз ва муҳтарам ватандошларим!
 Сиз, қадрдонларимни, бутун халқимизни Наврўзи олам билан яна бир бор чин дилдан табриқлайман.
 Янги Қосимов Наврўзи — юксалиш ҳамда тараққиёт даври халқимизга равнақ ва фаровонлик ато этсин!
 Барча пок ниятларимиз амалга ошсин!
 Яратган Парвардигор жонажон Ватанимизни ўз панохида асрасин!
 Янги кун, янги бахт барчамизга муборак бўлсин!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу.
 Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриқлар ва эзгу тилақларни изҳор этишдан хурсандмиз. Сизга сиҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига бардавом тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаймиз.
 Сиз, Жаноби Олийлари бизнинг саломларимиз ва эҳтироmlаримизни қабул қилгайсиз.

Салмон бин Абдулазиз Ол САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу.
 Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриқ ва тилақларимни изҳор этишдан хурсандман.
 Сизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, қардош Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига бардавом юксалиш ҳамда фаровонлик тилайман.
 Сиз, Жаноби Олийлари менинг саломларим ва эҳтироmlаримни қабул қилгайсиз.

Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол САУД, Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Азиз қардошим!
 Ҳар йил табиат уйғонишининг тимсоли бўлган Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва қардош Ўзбекистон халқига халқим ва шахсан ўз номимдан энг самимий табриқларимни изҳор этаман.
 Илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган қадим Наврўз анъанамиз башариятга умид ва барокат хушхабарини бермоқда. Муштарак маданият маконимизда нишонланадиган мазкур байрамда дўстлик ва қардошлик ришталаримизнинг янада мустаҳкамланишини тилайман.
 Наврўз ҳозирда эҳтиёжимиз бўлган тинчлик, муроcа ва ҳамкорликка бўлган умидларни учқунлатиши — энг катта орзумиз ва тилагимиздир.
 Байрам муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, оилангизга соғлиқ ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонликка тўла келажак тилайман.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН, Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
 Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига Наврўз байрами муносабати билан самимий табриқларим ҳамда энг эзгу тилақларимни қабул қилгайсиз.
 Янгилашиб, бунёдкорлик ва фаровонликни ўзида мужассам этган ушбу муқаддас байрам юксак қадриятларга интилувчи бутун инсоният ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Қутлуг баҳор айёми Наврўз қардош халқларимизга илиқлик, мўл-кўлчилик, қувонч ва фаровонлик олиб келсин.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли мустаҳкам дўстлик ва яхши кўшничликка асосланган Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида жадал ривожланиб боришига ишонаман.

Хурматли Шавкат Миромонович, фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, мамлакат халқига эса фаровонлик ва тўкинлик тилайман.

Халқ бахтли-саодатли яшасин, фаровонлик эса тўкин ва мўл бўлсин!

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
 Наврўз байрами билан Сизни ва бутун қардош Ўзбекистон халқини чин дилдан табриқлайман.
 Бу ёрқин ва қувончли байрам баҳорда табиат уйғониши, бирлик ва дўстлик, тинчлик ва фаровонлик рамзидир. Ушбу айём халқларимизни боғлайдиган кўп асрлик дўстлик ва меҳр-оқибат анъаналарини ўзида мужассам этиб, умумий тарихга асосланган қардошлик муносабатларини мустаҳкамлайди.
 Ўзаро ҳурмат, ишонч ва стратегик шерикликка асосланган барча даражалардаги ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам биргаликдаги саъй-ҳаракатлар асосида давом этиб, халқларимиз келажаги порлоқ бўлишини таъминлашга ҳисса қўшишига ишончим комил.
 Хурматли Шавкат Миромонович!
 Сизга сиҳат-саломатлик ва давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик ва тараққиёт тилайман.
 Хурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ, Қирғиз Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
 Халқаро Наврўз байрами муносабати билан энг эзгу ва самимий тилақларга йўғрилган қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Қадимий тарихга эга ушбу байрам маданий мерос ва кўп асрлик анъаналаримиз муштараклиги ифодаси сифатида уни нишонлайдиган халқлар ўртасидаги алоқаларни тинчлик ва хавфсизлик, яхши кўшничлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш ғоялари асосида мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.
 Наврўзнинг боқий бунёдкорлик анъаналари бизни халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик риштлари ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз саъй-ҳаракат қилишга ундайди.
 Тожикистон томони Ўзбекистон билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик доирасидаги давлатлараро муносабатларнинг бугунги даражасидан мамнун.
 Ишончим комил, мамлакатларимиз ушбу қадимий байрамнинг юксак умуминсоний қадриятларига таянган ҳолда, кўп қиррали муносабатларни мазмунан бойитиш йўлида бундан буён ҳам биргаликда ҳаракат қиладилар.
 Ушбу қутлуг кунларда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар, мамлакатингизнинг қардош халқига эса бахт-саодат, фаровонлик, тинчлик ҳамда барқарорлик, изчил тараққиёт ва равнақ тилайман.
 Наврўз муборак!
 Чуқур ҳурмат билан,

Эмомали РАҲМОН, Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
 Халқаро Наврўз байрами муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табриқларим ва энг эзгу тилақларимни йўллайман!

Дунёнинг қўллаб-мамлукатларида кенг нишонланадиган ушбу гўзал байрам баҳорнинг бошланиси ва табиатнинг уйғонишини аңглатади. Наврўз байрами турли халқлар ва маданиятлар ўртасидаги яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Ушбу ёрқин байрам умид рамзи бўлиб, бугунги дунёда инсонпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга ундайди.
 Ушбу ажойиб байрам Сиз ва бутун мамлакатингиз халқи учун бахт, қувонч ва янги муваффақиятлар олиб келсин!
 Чуқур ҳурмат билан,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ, Туркменистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
 Халқаро Наврўз байрами муносабати билан Сизга самимий табриқларим ва энг эзгу тилақларимни йўллайман.

Наврўз ҳаётга муҳаббат ва яхши келажакка ишончининг мустаҳкамланиши рамзидир. Ушбу байрам кўп асрлар давомида халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.
 Ушбу қутлуг айём Сиз ва Ўзбекистон халқи учун тинчлик, қувонч ва янги ташаббуслар билан нишонлансин. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман.
 Чуқур ҳурмат ила,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
 Азиз қардошим!

Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига буюк аждодларимиздан қолган Наврўз байрами муносабати билан шахсан ўз номимдан ва Озарбайжон халқи номидан самимий табриқларимни йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Баҳор келганидан дарак берувчи, табиатга меҳр, руҳий поклик ва янгилашиб шодийнаси бўлмиш ушбу миллий байрам қардош халқларимизга фаровонлик, бахт ва файзу барака олиб келишини тилайман.

Биз дўстлик ва биродарликнинг ажойиб намунаси бўлган Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатларининг кун сайин ривожланаётгани ҳамда иттифоқчилигимизнинг мустаҳкамланаётганидан жуда мамнунмиз. Ишончим комилки, умумий келиб чиқиш, тарих ва маданият риштлари билан боғланган қардош Ўзбекистон билан кенг қўламли муносабатларимизни давлатларимиз манфаатлари ва халқларимиз фаровонлиги йўлида чуқурлаштириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттирамиз.

Ушбу файзли кунларда Сизга ва оилангиз аъзоларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон Республикаси ҳамда унинг халқи равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.
 Хурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ, Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
 Сизни одамлар қалбини самимийлик, қувонч, бахт ва порлоқ келажакка умид билан тўлдирувчи Наврўз билан чин қалбимдан табриқлайман.

Ушбу байрамга хос ўзаро ҳурмат ва конструктив ҳамкорлик ғояларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Беларусь Ўзбекистон билан дўстлик ва шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Давлатлараро мулоқот ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш бундан буён ҳам фуқароларимиз манфаатларига хизмат қилиши ва Евроосиёда барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшишига ишонаман.

Хурматли Шавкат Миромонович, ушбу муборак кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда туғанмас куч-ғайрат ва муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик ва тотувлик тилайман.

Хурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО, Беларусь Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
 Покистон халқи ва ҳукумати номидан, шунингдек, шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларини, яқинларингизни ҳамда қардош Ўзбекистон халқини Наврўз ва Рамазон ҳайити билан самимий муборакбод этиб, энг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Наврўз ва Рамазон ҳайити умуминсоний қадриятлар — тинчлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ҳамда шукроналикни ўзида мужассам этади. Ушбу қувончли воқеалар халқлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка бўлган умумий интилишимизни янгилаш имконини беради.

Сиз, Жаноби Олийларининг жорий йил февраль ойида Покистонга амалга оширган тарихий таширфингизни мамнуният билан эслайман, яқин кунларда икки томонлама алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш учун олий даражадаги алмасишувларни давом эттиришимизни интиқлик билан кутаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, қардош Ўзбекистон халқига эса бардавом тинчлик, тараққиёт ҳамда равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромиمنى қабул қилгайсиз.

Шаҳбоз ШАРИФ, Покистон Ислам Республикаси Бош вазири

Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўллаган:

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон Назарбоев**,
 Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**,
 Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**,
 Татаристон Республикаси Раиси **Рустам Минниханов**,
 Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Нурлан Ермакбаев**,

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омурлиев**,

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо давлатлари Парламентлараро ассамблеяси бош котиби **Дмитрий Кобицкий**,

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксил-террор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори **Уларбек Шаршеев**,

Рус православ чerkови Тошкент ва Ўзбекистон епархияси митрополити, Ўрта Осиё митрополия округи раҳбари **Викентий**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

«Мерос» жамғармаси («Heritage Foundation») томонидан тайёрланган Иқтисодий эркинлик индекси ҳисоботида Ўзбекистон 184 мамлакат орасида 60,3 балл билан 86-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич 2025 йилдагига нисбатан 14 поғонага ошган.



МАЪНАВИЙ ҚУДРАТ ВА БУЊЁДКОРЛИК ТИМСОЛИ

Имом Бухорий ҳазратлари нафақат мусулмон олами, балки бутун инсоният маънавий тафаккурида алоҳида ўрин тутадиган буюк алломадир. Унинг илмий мероси, айниқса, ҳадис илми ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси асрлар давомида юксак эътироф қилиб келинмоқда. Ана шундай буюк зот номи билан боғлиқ мажмуанинг бугунги кунда замонавий қиёфада, улкан меъморий ечимлар ва барча шароитлар билан қайта бунёд этилгани халқимиз учун катта ифтихордир.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда Имом Бухорий мажмуасида яқунланган бунёдкорлик ишлари ва яратилган шароитлар билан танишгани мамлакатимизда миллий ҳамда диний меросга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Бу

ташриф нафақат янги барпо этилган мажмуанинг қўлами ва салоҳиятини намоён қилди, балки Янги Ўзбекистонда маънавият, илм-маърифат ва тарихий хотирага муносабат мутлақо янги босқичга кўтарилганини ҳам кўрсатди.

Мажмуа худудида яратилган имкониятлар уни фақат зиёратгоҳ эмас, балки йирик маънавий-маърифий, маданий ва туризм марказига айлантирмоқда. Замонавий меҳмонхоналар, оилавий меҳмон уйлари, сервис нукталари, автотураргоҳлар ва ободонлаштирилган инфратузилма бу масканнинг халқаро зиёрат туризми марказларидан бирига айланиши учун мустаҳкам замин яратди. Мухими, бу ишлар орқали юртимизга келувчи зиёрат-



Марям НИЯЗОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Муносабат АДОЛАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

Табиатнинг қайта жонланишини англатувчи Наврўз ва руҳий поклини тимсоли бўлмиш муборак Рамазон ҳайити арафасида давлатимиз раҳбари томонидан "Ҳазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармон имзолангани халқимизга хос кеңиримлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилатларининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Мазкур ҳужжат замирида давлатимизнинг инсон қадрига чексиз ҳурмати, демократик қадриятларга содиқлиги ва "Инсон қадрини унинг афв" тамойилининг ҳаётий ифодаси мурасам.

Фармонда мувофиқ, жами 392 нафар шахс афв этилди. Бу рақам шунчаки статистика эмас, балки юзлаб оилалар қалбидаги умид ва инсонлар учун ўз тақдирини эзгулик томон буриш имкониятидир.

Афв этилганлар орасида 26 нафар аёлнинг борлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу оила чироғи бўлган аёлларнинг ўз хонадонига қайтиши, фарзандларнинг она меҳридан баҳраманд бўлиши, демаскидир. Кекса ёшдаги 14 нафар отахоннинг афв этилиши эса халқимизнинг катталарга ҳурмат ва меҳр-оқибат каби азалий қадриятларини намоён қилади.

Адашган 160 нафар йигит-қизга берилган иккинчи имконият — уларнинг келажагини қуриш учун очилган янги эшикдир. Бу давлатимизнинг ёшлар сиёсати нечоғли ҳаётбахш ва инсонпарвар эканидан далолат беради.

Янги Ўзбекистонда қилмишига пушаймон бўлиб, тўғри йўлга ўтган хар бир инсонга имкон бериш давлат сиёсатининг муҳим устунидир. Зеро, ҳақиқий адолат фақат жазоланд эмас, балки хатосини англаган инсонни жамиятга қайтариш ва унинг оилавий бағри бутунлигини таъминлашдан иборат.

Фармонда афв этилган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларни фойдали меҳнат билан банд қилиш ва соғлом турмуш тарзига қайтариш бўйича масъул идораларга аниқ вазифалар юклатилган. Зотан, инсонни афв этишнинг ўзи етарли эмас, унинг келажакка ишончи ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратиш ҳам гоёт муҳим.

Афв этилган шахсларнинг касб-хунар эгаллаши ва бандлик билан таъминланишида маҳалла фаоллари ҳамда ҳудудий партия ташкилотларимизнинг амалий кўмаги зарур бўлади. Хусусан, улар бандлик дастурларини ташкил қилиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва психологик мадад бериш ишларида фаол қатнашади.

Бугун Янги Ўзбекистон ислохотлари марказида инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари турибди. Мазкур фармон ана шу эзгу тамойилларнинг амалий ифодаси сифатида халқимиз қалбига чуқур эҳтиром уйғотди. Ишончимизки, афв этилган фуқаролар ўзларига билдирилган ишончини оқлаб, Ватан равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилади.

Робохон МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

Шукуҳ ЯНГИЛАНИШ ВА УМИДЛАР ШОДИЁНАСИ

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига кўра, бу йилги Наврўз байрамини муносиб нишонлаш мақсадида "Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашдир!" деган эзгу гоёни ўзида мурасам этган кенг қамровли ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот тадбирлари дастури тасдиқланиб, унга мувофиқ жойларда файзли байрам тадбирлари ўтказилди.

Айтиш жоизки, бу йилги байрам тадбирлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар мазмуни билан уйғун ҳолда ўтказилаётгани таҳсинга сазовор. Бу орқали жамиятда юз бераётган ижобий ўзгаришларни, аҳолининг онги ва дунёқарашидagi янгилаанишларни кенг тарғиб этиш мақсад қилинган, десак, айни ҳақиқат.



Шу маънода, айём кунлари кекса авлод вакиллари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийлари эъзозланмоқда, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга кўмак кўрсатилаётган. Бу эса жамиятда ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг устувор эканининг яна бир исботидир.

Зеро, кекса авлод вакиллари саналган пиру бадавлат отахону онахонларимизга эътибор қаратиш орқали тарихий хотира ва миллий қадриятлар изчиллиги таъминланиб, катталар ҳаёти ва тажрибасини кўрган йигит-қизларда масъулият, ватанпарварлик ва инсонийлик фазилатлари шаклланади. Шу тарихи байрам нафақат ҳозирги ёшларни бирлаштиради, балки авлодлар ўртасидаги маънавий боғлиқлиқни ҳам мустаҳкамлайди.

Наврўз тантаналари доирасида хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт мусобақалари, китоб ярмаркалари ва савдо тадбирларининг ўтказилаётгани, бу — аввало, хунарманд ва тадбиркорлар учун ўз маҳсулотларини кенг жамоатчиликка намойиш қилиш, янги мижозлар топиш ва бозорини кенгайтириш имконини беради ва иқтисодий фаоллиқни оширади ҳамда асрлар давомида шаклланган анъаналарни сақлаш ва уларни келажақ авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва эллат вакиллари истиқомат қилиб келишади. Шу боис миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масаласи ҳам доимий эътибор марказида. Бу бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистонда турли этник ва маданий гуруҳлар ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни сақлашга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Бу йилги байрам шодиёналарида ҳам турли миллат ва эллат вакиллари урф-одатлари, миллий кийимлари, кўшиқ ва рақслари, хунармандчилик маҳсулотларининг кенг намойиш қилинаётгани анъаналар давом этаётганидан далолат. Бу орқали фуқароларда бир-бирларининг қадриятларига ҳурмат туйғуси янада ортиб, улар ўртасидаги маънавий ва ижтимоий алоқалар мустаҳкамланиши, шубҳасиз, Наврўз байрами доирасида маҳалларда ташкил этилаётган миллий таомлар ва хунармандчилик кўргазмалари орқали эса фуқаролар ўзларига нотаниш маданий анъаналарга гувоҳ бўлаётган. Ва умуман, бу жараён жамиятда улар охиш ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириши билан аҳамиятлидир.

Мана шу каби ўлмас қадриятлар асрлар давомида нишонлиб келаётган Наврўзнинг моҳиятида ўз ифодасини топмоқда. Шу боис Наврўзнинг гашти, жозибаи маҳалларда ўтаётган халқ сайилларида аққол сезилмоқда.

Содиқжон ТУРДИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз!

Наврўз — яшиллик, яшариш ва умид рамзи. У табиатнинг янгилааниши ва ҳаётнинг давомийлигини ифода этувчи айём сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда ушбу айём анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб, халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ҳамда маданий мероси билан уйғун ҳолда сайқал топиб бормоқда. Шодиёналарнинг халқ сайиллари, турли маданий тадбирлар ва хайрия ишлари билан нишонлаётгани эса халқнинг бирдамлиги, меҳр-оқибати ва келажакка ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган.

Анъана

Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий ўз асарларида Наврўз байрамини ҳаётнинг янгилааниши ҳамда инсон қалбидаги эзгуликлар тимсоли сифатида тасвирлайди. Унинг "Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз" деган машҳур мисраси мазкур байрамнинг инсон ҳаётидаги қувонч ва барака рамзи эканини ифода этади.

Халқ орасида Наврўзни кутиб олишга оид ўзига хос маросим ва уюмлар шакллланган. Ана шундай анъаналардан бири — "Қозон тўлади" удуми бўлиб, унга кўра, 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси одамлар бир жойга тўпланиб, катта қозонларда сумалак, халим каби миллий таомлар тайёрлашади. Сумалак тайёрлаш жараёнида айём ўзи ҳам бир турдаги халқона маросим бўлиб, унда кўшиқлар айтилиб, дуолар қилинган ва эзгу тилақлар билдирилади.

Дарвоқе, ушбу байрам қадимдан халқнинг меҳнат

фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки баҳор фасли деҳқончилик ишларининг бошланиши давридир. Шу боис байрам арафасида ерга ишлов бериш, кучат экиш, ҳовли-жойларни тозалаш каби юмушлар амалга оширилган. Жорий йил давлатимиз раҳбарининг "2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги хайрли тадбирлар ижросида муҳим дастуриламал бўлди. Хусусан, атроф-муҳитни асраш, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда яшил ҳудудларни қўлайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар Наврўзнинг табиатга ҳурмат руҳи билан уйғун. Шу маънода, мамлакатимизда амалга оширилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида миллионлаб дарахт кўчатлари экилиб, шаҳару қишлоқларда яшил ҳудудлар кенгаймоқда. Бу эса табиатни асраш, эколо-



гик маданиятни юксалтириш ва келажақ авлод учун соғлом муҳит яратишга хизмат қилаётган. Наврўзнинг инсонпарварлик гоёлари бугунги кунда ижтимоий сиёсатда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Байрам кунларида ҳам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга кўмак кўрсатиш анъанага айланган. Давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ҳамда маънавий ёрдам бериш бўйича турли дастур ва ташаббуслар амалга оширилмоқда. Бу эса

Наврўзнинг эзгулик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби қадриятлари замонавий жамият ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Айни чоғда Наврўз нафақат миллий байрам, балки халқаро аҳамиятга эга маданий мерос сифатида ҳам эътироф этилган. У турли халқлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик гоёларини тарғиб қилади. Мазкур айём инсонларни табиатни асрашга, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга ва яхши амалларни бажаришга ундайди.

Эътиборлиси, Наврўз бошқа ҳеч бир жойда кузатилмайдиган чинакам халқ сайлига айланиши билан инсонлар қалбидан жой олиб келаётган. Бундай сайилларда миллий уйинлар, кураш мусобақалари, дорбозлик, кўшиқ ва рақслар, чавандозлик ўйинлари ўтказилиши байрамга янада кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Гулжера ЖҲУРАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Президентимиз раислигида бўлиб ўтган аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида халқимиз ҳаёти билан боғлиқ ниҳоятда долзарб масала муҳокама қилинди.

Мушоҳада

Аслида жамиятда раҳбарлар нима учун керак? Моҳиятан ўйлаб қарасак, шу халқ борки, амалдор бор. Меҳнаткаш инсонларнинг оғирини енгиллаштириш, керак бўлса, қозонини қайнатишга ёрдам бериш раҳбарларнинг бурчи. Амалда қандай бўляпти? Юртбошимиз видеоселектор йиғилишида ички ишлар тизимидаги ҳолат мисолида жуда тўғри айтди. Баъзи миллиончи ходимлари бирор масала муҳокамасида ўзларини ҳукмдордай сезишади. Холбуки, улар халқнинг одилона яшаш йўлида хизматчи динлар. Хар қандай ҳолатда ҳам қонун устувор бўлиши керак. Халқ қабулхоналари ташкил этилганидан буён жуда катта ишларни бажарди. Одамлар, биринчи навбатда, давлатдан рози бўлди.

Беҳтиёр ўйлаб қоласиз: нега шу қадар юксак ишонч билдирилган айрим ходимлар дунёқарашини савияси паст? Бунинг сабабини айтсак, ажабланимиз: кўп амал-

дорлар газета ўқимай қўйган! Давлат раҳбарининг бир гапи бор: бочага бормайдиган боладан бочага борадиган болалар онги, тафаккури тубдан фарқ қилади. Худди шу сингари газета ўқийдиган ходимдан газета ўқимайдиган амалдорнинг фарқи аққол кўринади. Газета ўқийдиган замондошимиз, аввало, Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг моҳиятини англайди, қонун, фармон, қарорларни столи устига қўйиб, қайта-қайта ўқиб, мушоҳада қилиб кўради, ислохотларда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигини фахрланиб ишлайди. Ватанпарвар, жонқуяр бўлади.

Албатта, аҳоли мурожаатларида ҳам турли мақсадларни қўриш мумкин. Кимдир кўпчиликка дахлдор масалани кўтарса, яна бирор ўзининг тилга олишга ҳам арзимайдиган муаммосини рўқча қилади. Бундай ҳолларда тингловчи ҳаётий донишмандлигини ишга солиб муносабат билдириши керак. Агар мурожаат этган одам адолатли ечим олмаса, Халқ қабулхонаси ходимидан эмас, давлатдан норозини айтсак, Шундай экан, фуқаролар

билан ишлайдиган масъул ходим зиммасига юклатилган вазифани юракдан ҳис қилиши зарур. Баъзи ҳолларда ариза ва шикоятлар ўтган даврдаги нисбатан қамайди, деган сўзлар айтилади. Четдан қараганда бу ижобий ҳолга ўхшайди. Аслида эса мурожаатлар адолатли ҳал этилмагани туфайли фуқароларнинг ҳафсаласи пир бўлган бўлиши мумкин.

Айрим ҳокимлар, жумладан, Қарши шаҳар ҳокими қилинган ишлар ҳақида ахборот берганда, бир ҳолат тингловчиларга эриш туюлди. У ҳар қадамда бу ишларни фақат ўзи адо этгани, бўлажак вазифаларни мен бажараман, дегани аён бўлди. Ҳоким ҳар қанча қудратли бўлмасин, бутун юкни зиммасига ололмайди. Бу мураккаб вазифа у бошчилигидаги жиғлашган жамоа томонидан удалланади. Ўринбосарлар, соҳа бўйича мутаассидилар бир ёқадан бош чиқариш ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун ҳоким бошқаларни ортидан эргаштириши лозим.

Адолат тарозиси Халқ қабулхоналари учун тимсол бўлиши керак.

Хар бир ариза ва шикоятни чуқур таҳлил этиб, эга-эгасига йўллаш ва адолатли ечимга келиш зарур. Худуд ҳокимлари аҳолини безовта қилаётган муаммолар билан шуғулланишни "Йўл харитаси"да белгилашлари лозим. Умуман, бу борада қатъий қоида ўрнатиш шарт эмас, вазиятдан келиб чиқиб мақбул ечим топилади. Хар бир мурожаат ортида одамлар ҳаёти, уларнинг тақдирини ва орзу-умидларини мурасам эканини ёдда тутайлик!

Севимли шoirимиз Абдулла Орипов ўз вақтида "Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз" деб даъват қилганди. Шу маънода, Халқ қабулхоналарида фаолият юритаётган хар бир ходимга юртдош бўлиб яшашини таъминлаш ортага қайтмас ислохотларимизнинг бош мақсадиридир.

Шуҳрат ЖАББОРОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббий Фабио Каннаваро Тошкентда бўлиб ўтадиган «FIFA Series» халқаро ўртоқлик мусобақасида иштирок этувчи 26 нафар футболчи номини эълон қилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бурутма Г — 342. 25 879 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳосин келишилган нархда.

Гезатимиз ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотилибма 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Тахриратта келган қўлашлар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Гезатимизнинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезата тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезатимизнинг полиграфия хизматидан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мушаххис — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.25 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6